

## Қ А Р О Р

(маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида)

2022 йил февраль ойининг “17” куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман суди, ўз биносидпра, очик суд мажлисида

Раислик қилувчи: Т.Мирзаев,

Судья ёрдамчиси С.Закировнинг котиблигида, Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туман ИИБ ХПБ профилактика инспектори Э.Алматовнинг иштирокида,

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ 1992 йил 14 март куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати қозоқ, ўзбек тилида эркин сўзлаша олади, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланган: ЖИБ Юқоричирчиқ туман судининг 2014 йил 12 мартдаги ҳукмига кўра ЖКнинг 118-моддаси 2-қисмининг “в” банди, 164-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖИБ Зангиота туман судининг 2016 йил 19 декабрдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 5 ой 24 кун аҳлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, ЖИБ Юқоричирчиқ туман судининг 03 май 2017 йилдаги ажримига кўра ЖКнинг 73-моддасига асосан тайинланган аҳлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган 2 йил 2 ой 2 кунидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, судланганлик муддати ўтмаган, ишламайди, муқаддам тўрт маротаба маъмурий жавобгарликка тортилган, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Бордонкўл ҳудуди, “Яшнобод” маҳалласи, Янги аср кўчаси 21-уйида яшовчига

нисбатан 1-3-1117-2201/38-сонли маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини иш ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Аниқланишича, \_\_\_\_\_ муқаддам қасдан содир этган жинояти учун судланган бўлиб, ЖИБ Юқоричирчиқ туман судининг 2014 йил 12 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддаси 2-қисмининг “в” банди, 164-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан, ЖИБ Зангиота туман судининг 2016 йил 19 декабрь кунги ажрими билан ўталмаган 2 йил 5 ой 24 кун жазо, шу муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Тақдимномада, \_\_\_\_\_ жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилгач, ўзига тегишли хулоса чиқармаган ҳолда жамият учун зарарли тарзда кун кечириб, бир йил ичида бир неча маротаба маъмурий



хукукбузарликларни содир этганлигини, яъни Тошкент вилояти Юқоричирчик туман ИИБ ХПБ профилактика инспекторининг 2021 йил 09 март кундаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 187-моддаси 1-қисми билан жарима жазосига, 2021 йил 08 апрелдаги МЖТКнинг 194-моддаси 1-қисми билан 10 сутка маъмурий қамоқ, 2021 йил 08 апрелдаги МЖТКнинг 183-моддаси билан 10 сутка маъмурий қамоқ, 2021 йил 06 декабрдаги МЖТКнинг 54-моддаси 1-қисми билан жарима жазосига тортилган, шунингдек маъмурий назорат остига олиниши мумкинлиги ҳақида расмий огоҳлантирилган бўлишига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузиб келаётганлиги сабабли унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш сўралган.

Суд, иш ҳужжатлари билан атрофлича танишиб чиқиб, тақдимномани муҳокама қилиб, уларга баҳо бериб, қуйидаги тўхтамга келади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 02 апрелда қабул қилинган “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасида, “ушбу Қонун 8-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган вояга етган шахсларга нисбатан суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилиши” ҳамда ушбу Қонуннинг 8-моддасида, “жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга нисбатан – судланганлик ҳолатининг тугатилиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши муддатлари доирасида ички ишлар органининг бошлиғи томонидан ушбу шахслар жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин бир йил ичида икки ёки ундан кўпроқ маъмурий хукукбузарликларни содир этганлигидан далолат берувчи материаллар асосида маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги асослантилган тақдимнома судга юборилиши” белгиланган.

Тақдим этилган ҳужжатларга кўра, [REDACTED] муқаддам қасдан ўта оғир жиноят содир этганлиги учун судланган бўлиб, жазодан озод этилгач, ўзига тегишли хулоса чиқармаган ҳолда жамият учун зарарли тарзда кун кечириб келмоқда, шунингдек икки ва ундан ортиқ маротаба маъмурий хукукбузарлик содир этганлиги учун маъмурий жазога тортилган бўлишига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузиб келмоқда.

Шу сабабли суд, [REDACTED] жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган бўлиб, судланганлиги ўтмасдан, ўзига тегишли хулоса чиқармаган ҳолда беш маротаба маъмурий хукукбузарлик содир этганлиги учун маъмурий жазога тортилгани, жамоат тартибини мунтазам бузаётганлиги сабабли тақдимномани қаноатлантириб, [REDACTED] а нисбатан 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатишни лозим топади.

Юқоридагиларга биноан ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 309-моддасига амал қилиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 02 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунига асосланган ҳолда, суд



## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туман ИИО ФМБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

\_\_\_\_\_ а нисбатан **6 (олти) ой** муддатга маъмурий назорат ўрнатилсин ва унга қуйидаги чеклашлар қўлланилсин:

**1.** Спиртли ичимликлар билан савдо қилиш дўконлари ва уларни истеъмол қилиш жойлари (кафе, бар, ресторанлар)да бўлиши тақиқлансин;

**2.** Ички ишлар идораларининг рухсатисиз Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳридан ташқарига чиқиб кетиши тақиқлансин;

**3.** Рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойнинг 2-чоршанба ва 3-пайшанба кунлари Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туман ИИБ ХПБга келиб учрашиш юклатилсин.

Қарордан норози томонлар ўн кун ичида жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман суди орқали Тошкент вилоят судига шикоят бериши ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

Т.Мирзаев

Аслига тўғри:

